**№ 4 - сонли**

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Шовот тумани «29» июн 2022 й.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Хоразм вилояти Шовот туман Ободонлаштириш бошқармаси** номидан **Устав** асосида иш кўрувчи бошлиқ. **М.Қурбанов** бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган _ **SOYOT OQ-QUSH MCHJ** __ номидан **Устав** асосида харакат қилувчи корхона рахбари **У.Ражабова** иккинчи томондан **Шовот тумани Шовот шахарчаси Хива кўчаси худудида сув таъминотини яхшилаш қурилиши ишлари** бўйича қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади;

**-ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**-қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**-вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**-беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**-шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ **Шовот тумани Шовот шахарчаси Хива кўчаси худудида сув таъминотини яхшилаш қурилиши ишларини амалга ошириш** объектида кузда тутилган лойиха бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда қўшилган қиймат солиғи билан бирга **90 000 000** ***( тўқсон миллион)*** сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;
- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;
- қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шуниингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;
- қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
- қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;
- қурилишда таваккалчилик суғуртаси учун белгиланган суммага суғурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик суғуртаси тўғрисида шартнома тузади ва суғурта шартномаси билан суғурта полисини бюртмачига тақдим қилади.
-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тўлиқ хажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулиқ мулкий жавоб беради.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради

15. Объектни **«__29__» «_июл__» 2022 йил** фойдаланишга топширилиши белгиланади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% микдорида аванс ўтказади, бу **27 000 000** ***( йигирма етти миллион )*** сўмни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун маблағлар буюртмачининг ўз маблағлари хисобидан беш банк кунида молиялаштирилади ва колган 70 % миқдоридаги тўлов ишларни бажариш жадвали хамда Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида тузиладиган тўлов графиги асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб кабул килингандан кейин хакикий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган холда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

20. Пудратчининг хисоб ракамига тушадиган маблағлар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, мехнатга хак тўлаш, объект курилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект курилишининг бошка харажатларига катъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойининг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари микдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тўғрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» ўзи тузиб такдим килади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб кабул килиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан кабул килиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тўғрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширгунга кадар объектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хукукига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечиикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

## IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

30. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

31. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вактга зилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар қурилишини мухокама қиладилар.

32. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

## XI. КАФОЛАТЛАР.

33. Пудратчи:

- барча ишларни тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат иичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорида жарима солиш хуқуқига эга.

## XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

34. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

35. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқиға эга.

36. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

37. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор килган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

38. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

39. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIII . ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

40. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тугрисида» ги конунида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 395 сонли қарори

лан, бошка конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда авобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни коплайди.

41. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кузда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
- буюртмачининг хисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка кунида сабабсиз пудратчининг хисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;
- шартномага муофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар хажмини асоссиз равишда кабул килиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тулайди;
- шартнома шартларига муофик тайёр холда кабул килиш учун такдим килинган объектни асоссиз равишда кабул килишдан бош тортса шартнома кийматининг 5% микдорида жарима тулайди;

42. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкий жавобгар бўлади ва:

-Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам хажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан хар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.
- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан хисобот ойининг охирги кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортик бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аникланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

43. Агарда томонлардан бири ўз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи томонга шартнома бахосининг 0,1% микдорида жарима тўлайди.

44. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

45. Тамонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома кийматининг 50% ошмаслиги керак.

46. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга хақлидир.

## XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

47. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар мухокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

## XV.КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

48. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

48.1. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлайдилар.

48.2. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беринга ваъда килинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз,

унликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради

## XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

49. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

50. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқуқига эга бўлмайди.

51. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий хисобланади.

52. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

53. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хақ тўлашни кечиктиришга хақлидир.

54. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун хужжатларига Қ.Қ.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта куриб чиқилади.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома тамонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва барча кузда тутилган шартнома шартлари тўлалигича бажарилгунга қадар амал қилади.

57. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

58. Мазкур шартнома **«__31_» «_декабр_» 2022 йилгача** амал қилади.

59.Ушбу шартнома Узбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПК-594 сонли карорига асосан Газначиликда руйхатга олингандан кейин кучга конуний киради.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

| **БУЮРТМАЧИ**: | **ПУДРАТЧИ:** |
|---|---|
| **Шовот туман Ободонлаштириш бошқармаси** | **SOYOT OQ-QUSH MCHJ** |
| **Манзили:** Шовот туман "Туркистон" кўчаси, 78-уй | **Манзили:** Xorazm viloyati, Urganch sh. |
| **Тел/факс:** (62) 34-51-661 | **Тел/факс:** |
| **Х/р:** 401722860332307065200110001 | **Х/р:** 2020 8000 2004 6176 3001 |
| **СТИР**: 206945071 | **СТИР**: 303 318 938 |
| **ИФУТ: 70100** | **ИФУТ: 42210** |
| **Банк:** Марказий банк Ташкент шахри ХКМК | **Банк:** ТОШКЕНТ Ш., АТБ "КИШЛОК КУРИЛИШ БАНК" БОШ АМАЛИЁТЛАР БОШКАРМАСИ |
| **МФО:** 00014 | **МФО:** 01037 |
| | |
| | |

**Бошлик.** ______ **М.Қурбанов**
(имзо)
М.Ў.

**Директор** ______ **У.Ражабова**
(имзо)
М.Ў.

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: LY1656058162

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1.** Loyihaning turi: **Shartnoma.**

**2.** Loyihaning nomi: **4-son pudrat shartnomasi**

**«Buyurtmachi»** deb yuritiladigan **Shovot tuman Obodonlashtirish boshqarmasi** nomidan Ustav asosida ish ko'ruvchi boshliq **M.Qurbanov** bir tomondan, keyingi o'rinlarda **«Pudratchi»** deb yuritiladigan **SAYOT OQ-QUSH MCHJ** nomidan Ustav asosida xarakat qiluvchi korxona rahbari **U.Rajabova** ikkinchi tomondan Shovot tumani Xiva ko'chasi suv ta'minotini yaxshilash ishlari bo'yicha umumiy qiymati **90.000.000** so'mlik shartnoma.

**3.** Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot - **Shovot tumani Obodonlashtirish Boshqarmasi** tomonidan 29.06.2022 yil sanasida ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Ushbu loyiha O'zbekston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi №670-I-sonli Qonuni va amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni **qabul qilish maqsadga muvofiq.**

**Markaz bosh yuriskonsulti:** **Qurbonov B.R.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ШОВОТ ТУМАНИ
ОБОДОНДАШТИРИШ
БОШКАРМАСИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYAT
SHOVOT TUMANI
OBODONLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Шовот тумани туркистон кўча 78 уй тел:(8-362)34-51-194. факс:(8-362)34-51-661, индекс-221000 , почтаKutliyev1983@mail.ru

**29– июн 2022 йил** **№ 194** **Шовот тумани**

Шовот тумани бўйича Ғазначилик
бўлинмаси бошлиғи У.Бобожоновга

Шовот туман Ободонлаштириш бошқармаси сизга ёзиб шуни маълум қиладики, Хоразм вилояти Шовот шахар Шовот МФЙ Хива кўчаси худудида сув таъминотини яхшилаш қурилиши ишлари ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАСИ https://etender.uzex.uz махсус харид порталигага 20.06.2022 йил lot №109327билан жойлаштирилганда техник носозлик туфайли лойиха хужжатлари тўлик юкланмай колган.

**Сиздан шартнома платформасига барча зарурий хужжатлар (лойиха хужжатлари) юклатилганлигини инобатга олишингизни ва туман ғазначилик бўлинмаси томонидан рўйхатдан ўтказилишида амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.**

**Сизга хурмат билан !**

Шовот туман Ободонлаштириш
бошқарма бошлиғи М.Қурбанов

**Хоразм вилояти Шовот шахар Шовот МФЙ Хива кўчаси худудида сув таъминотини яхшилаш курилиши ишлари**

**бўйича ойлар давомида иш**

**жадвали**

| № | Объект номи ва манзили | Иш хажм бирлиги. киймати(сўм) | **2022 йил учун иш хажм бирлиги киймати (сўм)** | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 чорак | | | 2 чорак | | | 3 чорак | | | 4 чорак | | |
| | | | Январ | феврал | март | апрел | май | июн | июл | август | сентябр | октябр | ноябр | декабр |
| 1 | Хоразм вилояти Шовот шахар Шовот МФЙ Хива кўчаси худудида сув таъминотини яхшилаш курилиши ишлари | **90 000 000** | | | | | | **27 000 000** | **63 000 000** | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |

_______________ М.Курбанов
(буюртмачи)

_______________ У.Ражабова
(пудратчи)

**Хоразм вилояти Шовот шахар Шовот МФЙ Хива кўчаси худудида сув таъминотини яхшилаш курилиши ишлари бўйича ойлар давомида молиялаштириш жадвали**

| № | Объект номи ва манзили | Хажм бирлиги. Киймати(сўм) | 2022 йил учун молиялаштириш киймати(сўм) | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 чорак | | | 2чорак | | | 3чорак | | | 4чорак | | |
| | | | Январ | феврал | март | апрел | май | июн | июл | август | сентябр | октябр | ноябр | декабр |
| 1 | Хоразм вилояти Шовот шахар Шовот МФЙ Хива кўчаси худудида сув таъминотини яхшилаш курилиши ишлари | **90 000 000** | | | | | | **27 000 000** | **63 000 000** | | | | | |

_______________ М.Курбанов
(буюртмачи)

_______________ У.Ражабова
(пудратчи)

# XALQ DEPUTATLARI SHOVOT TUMANI KENGASHI
# QARORI

2021 - yil 20 - oktabr | VI-46-45-12-177-K/21 | Shovot tuman hokimligi

**Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”даги маблағларни мазкур тадбирларга йўналтириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, халқ депутатлари Шовот туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Шовот туман Кенгашининг 2021 йил 28 апрелдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги 37-172-сонли қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали “Ташаббусли бюджет” жараёнида фуқаролар томонидан ўз ҳудудидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича киритилган таклифларнинг 3-босқич, яъни “Овоз бериш” жараёни якунида аниқланган “Ғолиб таклифлар”рўйҳати ҳамда ундаги шаклланган тадбирларни молялаштириш бўйича манзилли рўйҳати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан 89.0





млн сўм (саксон тўққиз миллион), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Очиқ бюджет ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5250-сонли Қарори бўйича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан қўшимча ажратилган 500 млн сўм (беш юз миллион), шунингдек, Шовот тумани маҳаллий бюджетининг 2021 йил 3 чорак якуни бўйича шаклланадиган даромадлар режасининг ортиқча бажарилган қисмидан “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га ўтказиладиган 30 % маблағлар ҳисобидан 161 млн сўм (бир юз олтмиш бир миллион) ёки жами 750 млн сўм (етти юз эллик миллион сўм)ни ташкил қилиб ушбу маблағлар ҳисобидан жамоатчилик фикри асосида очилган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг “openbudget.uz” портали орқали овоз бериш жараёнида ғолиб деб топилган таклифларни молиялаштириш учун 1-иловага мувофиқ йўналтирилсин.

4. Шовот туман ҳокимлигининг ахборот хизмати (М.Искандарова)га ва туман ҳокимлиги молия бўлими модератори (Ш.Курбанов)лар билан биргаликда 3-босқич, яъни “Овоз бериш” жараёни якунида аниқланган “Ғолиб таклифлар”, шунингдек, ундаги шаклланган тадбирларнинг молиялаштирилиши ҳамда амалга ошириладиган ишлар бўйича маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Туман ҳокимлиги молия бўлими мудири (Д.Абдуллаев)га ва туман ғазначилик бўлинмаси (У.Бобожонов)га бюджетга тегишли ўзгартириш киритиш, белиланган тартибда тўловни амалга ошириш ҳамда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш топширилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари (А.Якубов, М.Куранбаев, Б.Отажонов) ҳамда халқ депутатлари Шовот туман Кенгашининг доимий комиссия раислари зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **Х.А. Отахонов**

Халқ депутатлари Шовот туман
кенгашининг
2021 йил 20 октябрдаги
VI-46-45-12-177-К/21-сон қарорига
1-илова

Шовот тумани бўйича 2021 йилда [illegible]

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

| № | Таклиф ID рақами | Қисқача мазмуни | Тўпланган овозлар сони | Амалга оширишнинг [illegible] қиймати | Ҳокимлик [illegible] | Маблағларнинг манбаи (ФТЖ, [illegible], бюджет [illegible]) | Буюртмачи ташкилот |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| "Фуқаролар ташаббуси [illegible]" [illegible] | | | | | 750 000 000 | x | x |
| 1 | [illegible] | Шовот тумани [illegible] | 582 | 150 000 000,0 | 150 000 000,0 | Фуқаролар ташаббуси [illegible] | Шовот тумани [illegible] |
| 2 | 1550500159 | Шовот тумани [illegible] | 547 | 600 000 000,0 | 600 000 000,0 | Фуқаролар ташаббуси [illegible] | Шовот тумани [illegible] |
| [illegible] | | | | | - | | |

# РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
# ХОРЕЗМСКАЯ ОБЛАСТЬ
# ООО «ARX DAVRON»

## РАБОЧИЙ ПРОЕКТ
## "Хоразм вилояти Шовот тумани Шовот шахарчаси "Хива"кучаси худудида сув таъминотини яхшилаш курилиши."

## СМЕТНАЯ ДОКУМЕНТАЦИЯ

*Пояснительная записка*
*Расчётная стоимость объекта в текущих ценах*
*Локальная ресурсная ведомость*
*Ведомость ресурсов*

**– г.Ургенч – 2022г. –**

# РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
# ХОРЕЗМСКАЯ ОБЛАСТЬ
# ООО «ARX DAVRON»

# РАБОЧИЙ ПРОЕКТ
# "Хоразм вилояти Шовот тумани Шовот шахарчаси "Хива"кучаси худудида сув таъминотини яхшилаш курилиши."

# СМЕТНАЯ ДОКУМЕНТАЦИЯ

## *Пояснительная записка*
## *Расчётная стоимость объекта в текущих ценах*
## *Локальная ресурсная ведомость*
## *Ведомость ресурсов*

**Директор**
**ООО «ARX DAVRON»:** **Матюсубов Д.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI URGANCH SHAHAR "ARX DAVRON" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

**– г.Ургенч – 2022г. –**

# ПОЯСНИТЕЛЬНАЯ ЗАПИСКА

**Сметная документация к рабочему проекту на "Хоразм вилояти Шовот тумани Шовот шахарчаси "Хива"кучаси худудида сув таъминотини яхшилаш курилиши."**Разработана во исполнение постановлений Кабинета Министров от 05.08.2000 г. за № 305, «О дополнительных мерах по углублению экономических реформ в капитальном строительстве», от 11.06.2003г. за №261 «О переходе на договорные текущие цены при реализации инвестиционных проектов, осуществляемых за счет централизованных капитальных вложений» и в помощь участникам инвестиционного строительного процесса, и в соответствии с инструкцией о составе, порядке разработки, согласования и утверждения проектно-сметной документации на строительство жилых и общественных зданий и сооружений (ШНК–1.03.01–04) и методическими рекомендациями по определению сметной стоимости строительства предприятий, зданий и сооружений в Республике Узбекистан (Ташкент–1996г.), общим положением по применению сметных норм и расценок на ремонтно-строительные работы для условий строительства в Республике Узбекистан (ШНК–2004–2009гг.) и общим положением по применению расценок на монтаж оборудования (ШНК–4.13.00–09).

**Объекты строительства расположены в Хорезмской области Ханкинского района.**

**Ведомость потребных ресурсов в текущих ценах разработана на основании дефектного акта и задания на проектирование с применением «Каталога текущих цен на материально-технические ресурсы, применяемые в строительном производстве Республики Узбекистан» за средних цен 4 – квартал 2021г, биржевых цен, конъюнктуры рынка.**

**Среднечасовая заработная плата – 17921,03сум. (с учетом отчислений в соц.страх. – 12%)**
**Транспортно-складские затраты на оборудование – 2 %**
**Транспортно-складские затраты на материалы и конструкции – 4 %**
**Коэффициент риска – 1,0**
**Прочие затраты подрядчика – 15,51 %**
**Прочие затраты заказчика – 5%.**
**Затраты на страхование строительства объекта – 0,32 %**
**Сметная документация составлена с учетом НДС – 15 %**

**Составил:**

РАСЧЕТНАЯ СТОИМОСТЬ ОБЪЕКТА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ.

## "Хоразм вилояти Шовот тумани Шовот шахарчаси "Хива"кучаси худудида сув таъминотини яхшилаш курилиши."

| № | НАИМЕНОВАНИЕ ЗАТРАТ | Цена (тыс.сум) |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| 1 | ЗАТРАТЫ НА ОБОРУДОВАНИЕ, МЕБЕЛЬ И ИНВЕНТАРЬ С УЧЕТОМ ТРАНСПОРТНЫХ И ЗАГОТОВИТЕЛЬСКО-СКЛАДСКИХ РАСХОДОВ - 2% | 0,000 |
| 2 | ЗАТРАТЫ НА СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ, ИЗДЕЛИЯ И КОНСТРУКЦИИ С УЧЕТОМ ТРАНСПОРТНЫХ И ЗАГОТОВИТЕЛЬСКО-СКЛАДСКИХ РАСХОДОВ - 4% | 61 146,721 |
| 3 | ЗАТРАТЫ НА ОСНОВНУЮ ЗАРАБОТНУЮ ПЛАТУ С УЧЕТОМ НАЧИСЛЕНИЙ НА СОЦИАЛЬНОЕ СТРАХОВАНИЕ (17921,03) | 5 238,816 |
| 4 | ЗАТРАТЫ НА ЭКСПЛУАТАЦИЮ МАШИН И МЕХАНИЗМОВ (С УЧЕТОМ ЗАРОБОТНОЙ ПЛАТЫ МАШИНИСТОВ) | 1 953,029 |
| 5 | ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ХАРАКТЕРА - 0% | 0,000 |
| 6 | ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ПОДРЯДЧИКА - 15,51% | 10 599,312 |
| 7 | ЗАТРАТЫ НА СТРАХОВАНИЕ СТРОИТЕЛЬСТВА ОБЪЕКТОВ - 0,32% | 252,601 |
| 8 | ЗАТРАТЫ ДЛЯ УЧЕТА КОЭФФИЦИЕНТА РИСКА, ОПРЕДЕЛЯЕМОГО ИСХОДЯ ИЗ ПРОГНОЗИРУЕМОГО ИНДЕКСА РОСТА ЦЕН В СТРОИТЕЛЬСТВЕ | 1,00 |
| 9 | И Т О Г О СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ДОГОВОРНЫХ ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ | 79 190,479 |
| 10 | НДС - 15% | 11 878,572 |
| 11 | И Т О Г О СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ С УЧЕТОМ НДС | 91 069,051 |
| 12 | ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ЗАКАЗЧИКА -факт. | 4 000,000 |
| 13 | ИТОГО СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ С НДС И ПРОЧИМИ ЗАТРАТАМИ И РАСХОДАМИ ЗАКАЗЧИКА | 95 069,051 |

ИСПОЛНИТЕЛЬ ЗАКАЗЧИК

МП МП

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI URGANCH SHAHAR "ARX DAVRON" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

O'Z. RESP. XORAZM VILOYATI SHOVOT TUMANI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 17.3 | 37159 | ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ПРЯМОШОВНЫЕ СО СНЯТОЙ ФАСКОЙ ИЗ СТАЛИ БСТ2КП-БСТ4КП 108Х3 ММ | М | 1004 | 32,128 | 81164 | 2607636,99 |
| 18 | Е22-02-003-4 | **НАНЕСЕНИЕ ВЕСЬМА УСИЛЕННОЙ АНТИКОРРОЗИОННОЙ БИТУМНО-РЕЗИНОВОЙ ИЛИ БИТУМНО-ПОЛИМЕРНОЙ ИЗОЛЯЦИИ НА СТАЛЬНЫЕ ТРУБОПРОВОДЫ ДИАМЕТРОМ: 108ММ** | 1КМ | | 0,0037 | 28036195,54 | 103733,92 |
| 18.1 | 1 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-Ч | 228 | 0,8436 | 17921,03 | 15118,18 |
| 18.2 | 863 | КОТЛЫ БИТУМНЫЕ ПЕРЕДВИЖНЫЕ 1000 Л | М-ЧАС | 33,26 | 0,123062 | 5445 | 670,07 |
| 18.3 | 31441 | ГРУНТОВКА БИТУМНАЯ | Т | 0,067 | 0,0002479 | 3300000 | 818,07 |
| 18.4 | 32144 | МАСТИКА | Т | 4,06 | 0,015022 | 5800000 | 87127,60 |
| 19 | Е22-05-004-8 | **ЗАДЕЛКА БИТУМОМ И ПРЯДЬЮ КОНЦОВ ФУТЛЯРА ДИАМЕТРОМ: 108 ММ** | 1 футляр | | 4 | 56454,77 | 225819,07 |
| 19.1 | 1 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-Ч | 1,38 | 5,52 | 17921,03 | 98924,09 |
| 19.2 | 913 | КОТЛЫ БИТУМНЫЕ ПЕРЕДВИЖНЫЕ 400Л | МАШ-Ч | 0,47 | 1,88 | 3164 | 5948,32 |
| 19.3 | 30102 | БИТУМЫ НЕФТЯНЫЕ СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАРКИ БН-90/10 | Т | 0,0047 | 0,0188 | 6433333 | 120946,66 |
| 20 | Е22-05-003-1 | **ПРОТАСКИВАНИЕ В ФУТЛЯР ДИАМ 108ММ, П/Э ТРУБ ДИАМЕТРОМ:50 ММ** | 100М | | 0,34 | 1512534,93 | 514261,88 |
| 20.1 | 1 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-Ч | 84,4 | 28,696 | 17921,03 | 514261,88 |
| 21 | Е22-03-006-3 | **УСТАНОВКА ЗАДВИЖЕК ИЛИ КЛАПАНОВ ОБРАТНЫХ ЧУГУННЫХ ДИАМЕТРОМ:100 ММ** | ШТ | | 1 | 856397,44 | 856397,44 |
| 21.1 | 1 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-Ч | 1,4 | 1,4 | 17921,03 | 25089,44 |
| 21.2 | 52040 | БОЛТЫ С ГАЙКАМИ И ШАЙБАМИ ДЛЯ САНИТАРНО-ТЕХНИЧЕСКИХ РАБОТ ДИАМ. 16 ММ | Т | 0,0015 | 0,0015 | 14872000 | 22308,00 |
| 21.3 | 63538 | ЗАДВИЖКИ ПАРАЛЛЕЛЬНЫЕ ФЛАНЦЕВЫЕ С ВЫДВИЖНЫМ ШПИНДЕЛЕМ ДЛЯ ВОДЫ И ПАРА ДАВЛЕНИЕМ 1 МПА/10 КГС/СМ2/ 30Ч6БР ДИАМ. 100ММ | ШТ | 1 | 1 | 809000 | 809000,00 |
| 22 | 2405-1343 | **АДАПТЕР Д-100ММ** | ШТ | | 1 | 44340,00 | 44340,00 |
| 23 | 2405-1344 | **ФЛЯНЦИ СТАЛЬН 100ММ** | ШТ | | 2 | 43000,00 | 86000,00 |
| 24 | 2307-10230 | **ВЕНТИЛЬ ПРОХОДНОЙ МУФТОВЫЙ 15Ч8П2,ДУ50,РУ16** | ШТ | | 10 | 183937,00 | 1839370,00 |
| 25 | 2307-10228 | **АДАПТЕР 50ММ** | ШТ | | 10 | 15300,00 | 153000,00 |
| 26 | 2307-10234 | **КРЕСТАвиНА 110х110ММ** | ШТ | | 1 | 130071,00 | 130071,00 |
| 27 | 2307-10289 | **ТРОЙНИК С ПОЖ ПОДСТАВКОЙ 110Х110** | ШТ | | 2 | 105461,00 | 210922,00 |
| 28 | 2307-10290 | **ПЕРЕХОДНИК 110Х50ММ** | ШТ | | 4 | 70200,00 | 280800,00 |
| 29 | 2307-10291 | **ТРОЙНИК 110Х50ММ** | ШТ | | 6 | 84724,00 | 508344,00 |
| 30 | 2307-10304 | **ЗАГЛУЖКА 50ММ** | ШТ | | 10 | 13860,00 | 138600,00 |
| 31 | 2307-10305 | **УГОЛЬНИК 110ММ** | ШТ | | 5 | 12500,00 | 62500,00 |
| 32 | 2307-10306 | **ЗАГЛУЖКА 100ММ** | ШТ | | 1 | 22000,00 | 22000,00 |
| 33 | Е11-01-013-03 | **УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ: ЩЕБЕНО ЧНЫХ С ПРОПИТК Й БИТУМОМ Д=100М** | 100М2 | | 0,012 | 7600836,85 | 91210,04 |
| 33.1 | 1 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-Ч | 28,4 | 0,3408 | 17921,03 | 6107,49 |
| 33.2 | 3 | ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ | ЧЕЛ-Ч | 3,3 | 0,0396 | 0 | (0) |
| 33.3 | 30118 | БИТУМ НЕФТЯНОЙ ДОРОЖНЫЙ МГ И СГ | Т | 1,24 | 0,01488 | 5400000 | 80352,00 |
| 33.4 | 45050 | ЩЕБЕНЬ ИЗ ПРИРОДНОГО КАМНЯ ДЛЯ СТРОИТЕЛЬНЫХ РАБОТ ФРАКЦИИ 5-10 ММ | М3 | 1,84 | 0,02208 | 72204 | 1594,26 |
| 33.5 | 45051 | ЩЕБЕНЬ ИЗ ПРИРОДНОГО КАМНЯ ДЛЯ СТРОИТЕЛЬНЫХ РАБОТ ФРАКЦИИ 10-20 ММ | М3 | 0,92 | 0,01104 | 72204 | 797,13 |
| 33.6 | 45052 | ЩЕБЕНЬ ИЗ ПРИРОДНОГО КАМНЯ ДЛЯ СТРОИТЕЛЬНЫХ РАБОТ ФРАКЦИИ 20-40 ММ | М3 | 2,98 | 0,03576 | 65972 | 2359,16 |
| 34 | Е06-01-001-15 | **УСТРОЙСТВО УПОР И ОПОР ИЗ БЕТОНА М100** | 100М3 | | 0,0015 | 47347424,71 | 71021,14 |
| 34.1 | 1 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-Ч | 116,82 | 0,17523 | 17921,03 | 3140,30 |
| 34.2 | 403 | ВИБРАТОР ГЛУБИННЫЙ | М-ЧАС | 5,83 | 0,008745 | 1081 | 9,45 |
| 34.3 | 30407 | ГВОЗДИ СТРОИТЕЛЬНЫЕ | Т | 0,002 | 0,000003 | 15400000 | 46,20 |
| 34.4 | 36061 | ДОСКИ ОБРЕЗНЫЕ ИЗ ХВОЙНЫХ ПОРОД ДЛИНОЙ 4-6,5 М, ШИРИНОЙ 75-150 ММ, ТОЛЩИНОЙ 44 ММ И БОЛЕЕ, III СОРТА | М3 | 0,04 | 0,00006 | 3391304 | 203,48 |
| 34.5 | 45021 | БЕТОН ТЯЖЕЛЫЙ, КЛАСС В 7,5 (М100) | М3 | 102 | 0,153 | 440000 | 67320,00 |
| 34.6 | 51620 | ЩИТЫ ИЗ ДОСОК ТОЛЩИНА 40 ММ | М2 | 3,6 | 0,0054 | 55871 | 301,70 |
| 35 | Е22-03-011-3 | **УСТАНОВКА: ГИДРАНТОВ ПОЖАРНЫХ** | 1 ШТ | | 3 | 32616,27 | 97848,82 |
| 35.1 | 1 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-Ч | 1,82 | 5,46 | 17921,03 | 97848,82 |
| 36 | С1630-3 | **ГИДРАНТЫ ПОЖАРНЫЕ Г=0,75М ЧУГУН ПОДЗЕМНЫЕ** | ШТ | | 3 | 1672963,00 | 5018889,00 |
| 37 | С130-1011 | **ФЛАНЦЫ ПОД ГИДРАНТ** | ШТ | | 3 | 95000,00 | 285000,00 |
| 38 | С111-1631 | **ТАбличКА уКАзАТЕль** | ШТ | | 3 | 50957,00 | 152871,00 |
| 39 | Е01-01-033-5 | **ОБРАТНАЯ ЗАСЫПКА ТРАНШЕЙ И КОТЛОВАНОВ С ПЕРЕМЕЩЕНИЕМ ГРУНТА ДО 5 М БУЛЬДОЗЕРАМИ МОЩНОСТЬЮ: 79 /108/ КВТ /Л.С./, 2 ГРУППА ГРУНТОВ** | 1000М3 | | 0,249 | 440036,96 | 109569,20 |
| 39.1 | 3 | ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ | ЧЕЛ-Ч | 4,18 | 1,04082 | 0 | (0) |
| 39.2 | 258 | БУЛЬДОЗЕРЫ 79 КВТ /108 Л.С/ ПРИ РАБОТЕ НА ДРУГИХ ВИДАХ СТРОИТЕЛЬСТВА | МАШ-Ч | 4,18 | 1,04082 | 105272 | 109569,20 |
| 40 | Е01-02-061-1 | **ЗАСЫПКА ВРУЧНУЮ ТРАНШЕЙ, ПАЗУХ КОТЛОВАНОВ И ЯМ, ГРУППА ГРУНТОВ: 2** | 100М3 | | 0,18 | 1586011,15 | 285482,01 |
| 40.1 | 1 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-Ч | 88,5 | 15,93 | 17921,03 | 285482,01 |
| | | **ИТОГО ПРЯМЫЕ ЗАТРАТЫ ПО СМЕТЕ** | Сум | | | | 65986769,07 |
| | | **ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПРОИЗВОДСТ. ХАРАКТЕРА (0%)** | Сум | | | | 0,00 |
| | | **ИТОГО** | Сум | | | | 65986769,07 |
| | | **ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПОДРЯДЧИКА (0%)** | Сум | | | | 0,00 |
| | | **ВСЕГО** | Сум | | | | 65986769,07 |

СОСТАВИЛ:

ПРОВЕРИЛ:

## ВЕДОМОСТЬ РЕСУРСОВ
## НА ВОДОПРОВОД ШОВОТ ,ХИВА КУЧАСИ

"Хоразм вилояти Шовот тумани Шовот шахарчаси "Хива"кучаси худудида сув таъминотини яхшилаш курилиши."

ОСНОВАНИЕ:

| № | Код ресурса и признак | Шифр | Наименование | Единица измерения | Кол-во | Сметная стоимость, сум в текущем уровне на ед. изм | общая |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | | | **ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ** | | | | |
| 1 | 1 | | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-Ч | 292,32783 | 17921,03 | 5238815,81 |
| 2 | 3 | | ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ | ЧЕЛ-Ч | 29,18052 | 0,00 | 0,00 |
| | | | **ИТОГО ЗАРПЛАТА СТРОИТЕЛЕЙ** | **СУМ** | | | **5238815,81** |
| | | | **СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАШИНЫ И МЕХАНИЗМЫ** | | | | |
| 1 | 112 | С С203-101 | АВТОПОГРУЗЧИКИ 5 Т | МАШ-Ч | 0,275 | 72437,00 | 19920,18 |
| 2 | 116 | С С208-1600 | АГРЕГАТЫ ДЛЯ СВАРКИ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ | МАШ-Ч | 9,77236 | 10891,00 | 106430,77 |
| 3 | 126 | С С215-202 | АГРЕГАТЫ СВАРОЧНЫЕ ДВУХПОСТОВЫЕ ДЛЯ РУЧНОЙ СВАРКИ НА ТРАКТОРЕ 79 КВТ /108 Л.С./ | МАШ-Ч | 0,10245 | 102586,00 | 10509,94 |
| 4 | 163 | С С240-52 | АВТОМОБИЛЬ- САМОСВАЛ, ГРУЗОПОДЬЕМНОСТЬЮ ДО 10 Т | М-ЧАС | 3,3664 | 121105,00 | 407687,87 |
| 5 | 258 | С С207-149 | БУЛЬДОЗЕРЫ 79 КВТ /108 Л.С/ ПРИ РАБОТЕ НА ДРУГИХ ВИДАХ СТРОИТЕЛЬСТВА | МАШ-Ч | 1,04082 | 105272,00 | 109569,20 |
| 6 | 403 | С С211-1100 | ВИБРАТОР ГЛУБИННЫЙ | М-ЧАС | 0,008745 | 1081,00 | 9,45 |
| 7 | 863 | С С270-30 | КОТЛЫ БИТУМНЫЕ ПЕРЕДВИЖНЫЕ 1000 Л | М-ЧАС | 0,123062 | 5445,00 | 670,07 |
| 8 | 913 | С | КОТЛЫ БИТУМНЫЕ ПЕРЕДВИЖНЫЕ 400Л | МАШ-Ч | 1,88 | 3164,00 | 5948,32 |
| 9 | 1147 | С С233-301 | МАШИНЫ ШЛИФОВАЛЬНЫЕ ЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ | МАШ-Ч | 0,10315 | 1327,00 | 136,88 |
| 10 | 1932 | С С204-0102-1 | ЭЛЕКТРОСТАНЦИИ ПЕРЕДВЕЖНЫЕ 4 КВТ | МАШ-Ч | 0,54078 | 37409,00 | 20230,04 |
| 11 | 2264 | С С206-248 | ЭКСКАВАТОРЫ ОДНОКОВШОВЫЕ ДИЗЕЛЬНЫЕ 0,65 М3 НА ГУСЕНИЧНОМ ХОДУ ПРИ РАБОТЕ НА ДРУГИХ ВИДАХ СТРОИТЕЛЬСТВА | МАШ-Ч | 0,505 | 125342,00 | 63297,71 |
| 12 | 2288 | С С206-337 | ЭКСКАВАТОРЫ ОДНОКОВШОВЫЕ ДИЗЕЛЬНЫЕ 0,25 М3 НА ПНЕВМОКОЛЕСНОМ ХОДУ ПРИ РАБОТЕ НА ДРУГИХ ВИДАХ СТРОИТЕЛЬСТВА | МАШ-Ч | 14,7087 | 82161,00 | 1208481,50 |
| 13 | 2700 | С С204-2901 | УСТАНОВКА ДЛЯ ГИДРАВЛИЧЕСКИХ ИСПЫТАНИЙ ТРУБОПРОВОДОВ, ДАВЛЕНИЕ НАГНЕТАНИЯ НИЗКОЕ 0,1 (1) МПА (КГС/СМ2) | МАШ-Ч | 0,06 | 2291,00 | 137,46 |
| | | | **ИТОГО ЭКСПЛУАТАЦИИ МАШИН И МЕХАНИЗМЫ** | **СУМ** | | | **1953029,39** |
| | | | **СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И КОНСТРУКЦИИ** | | | | |
| 1 | | С 113-8117-9 | ТРубы из полиэТилЕНА /ПНД/ диАМЕТРоМ 50 ММ | М | 54 | 10464,00 | 565056,00 |
| 2 | | С 2307-10305 | УГОЛЬНИК 110ММ | ШТ | 5 | 12500,00 | 62500,00 |
| 3 | | С 2307-10304 | ЗАГЛУЖКА 50ММ | ШТ | 10 | 13860,00 | 138600,00 |
| 4 | | С 2307-10228 | АДАПТЕР 50ММ | ШТ | 10 | 15300,00 | 153000,00 |
| 5 | | С 2307-10306 | ЗАГЛУЖКА 100ММ | ШТ | 1 | 22000,00 | 22000,00 |
| 6 | | С 2405-1344 | ФЛЯНЦИ СТАЛЬН 100ММ | ШТ | 2 | 43000,00 | 86000,00 |
| 7 | | С 2405-1343 | АДАПТЕР Д-100ММ | ШТ | 1 | 44340,00 | 44340,00 |
| 8 | | С 2307-10290 | ПЕРЕХОДНИК 110Х50ММ | ШТ | 4 | 70200,00 | 280800,00 |
| 9 | | С 2307-10291 | ТРОЙНИК 110Х50ММ | ШТ | 6 | 84724,00 | 508344,00 |
| 10 | | С 2307-10289 | ТРОЙНИК С ПОЖ ПОДСТАВКОЙ 110Х110 | ШТ | 2 | 105461,00 | 210922,00 |
| 11 | | С 2307-10234 | КРЕСТАвиНА 110х110ММ | ШТ | 1 | 130071,00 | 130071,00 |
| 12 | | С 2307-10230 | ВЕНТИЛЬ ПРОХОДНОЙ МУФТОВЫЙ 15Ч8П2,ДУ50,РУ16 | ШТ | 10 | 183937,00 | 1839370,00 |
| 13 | | С 585521-124 | КОЛЬЦА КОЛОДЦЕВ СТЕНовыЕ 15-6 | ШТ | 9 | 440467,00 | 3964203,00 |
| 14 | | С 403-507 | ИЗДЕЛИЯ ДЛЯ КРУГЛЫХ КОЛОДЦЕВ ВЫПУСК 7 ЧАСТЬ 1 ПЛИТЫ ДНИЩА КПД-15 | ШТ | 9 | 658543,00 | 5926887,00 |
| 15 | | С 585521-123 | КОЛЬЦА КОЛОДЦЕВ СТЕНовыЕ 15-9 | ШТ | 9 | 738063,00 | 6642567,00 |
| 16 | | С 403-496 | ИЗДЕЛИЯ ДЛЯ КРУГЛЫХ КОЛОДЦЕВ ВЫПУСК 7 ЧАСТЬ 1 ПЛИТЫ ПЕРЕКРЫТИЯ КЦП 1-15-1 | ШТ | 9 | 777000,00 | 6993000,00 |
| 17 | 12104 | М С140-12104 | РАСТВОР ГОТОВЫЙ КЛАДОЧНЫЙ ТЯЖЕЛЫЙ ЦЕМЕНТНЫЙ М-100 | М3 | 0,11 | 406323,00 | 44695,53 |
| 18 | 30102 | С С111-73 | БИТУМЫ НЕФТЯНЫЕ СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАРКИ БН-90/10 | Т | 0,0188 | 6433333,00 | 120946,66 |
| 19 | 30118 | С С111-1561 | БИТУМ НЕФТЯНОЙ ДОРОЖНЫЙ МГ И СГ | Т | 0,01488 | 5400000,00 | 80352,00 |
| 20 | 30407 | С С140-30407 | ГВОЗДИ СТРОИТЕЛЬНЫЕ | Т | 0,000003 | 15400000,00 | 46,20 |
| 21 | 31441 | С С1610-31441 | ГРУНТОВКА БИТУМНАЯ | Т | 0,0002479 | 3300000,00 | 818,07 |
| 22 | 32144 | С С111-32144 | МАСТИКА | Т | 0,015022 | 5800000,00 | 87127,60 |
| 23 | 32534 | С С111-807 | ПРОВОЛОКА СВАРОЧНАЯ ЛЕГИРОВАННАЯ ДЛЯ СВАРКИ /НАПЛАВКИ/ С НЕОМЕДНЕННОЙ ПОВЕРХНОСТЬЮ ИЗ СТАЛИ СВ-08Г2С Д 4 ММ | Т | 0,0001 | 8828000,00 | 882,80 |
| 24 | 35310 | С С111-1513 | ЭЛЕКТРОДЫ Д 4 ММ: Э42 | Т | 0,00185 | 17500000,00 | 32375,00 |
| 25 | 35573 | С С111-1631 | ТАБличКА уКАЗАТЕль | ШТ | 3 | 50957,00 | 152871,00 |
| 26 | 36061 | С С112-61 | ДОСКИ ОБРЕЗНЫЕ ИЗ ХВОЙНЫХ ПОРОД ДЛИНОЙ 4-6,5 М, ШИРИНОЙ 75-150 ММ, ТОЛЩИНОЙ 44 ММ И БОЛЕЕ, III СОРТА | М3 | 0,00006 | 3391304,00 | 203,48 |
| 27 | 37159 | С С113-159 | ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ПРЯМОШОВНЫЕ СО СНЯТОЙ ФАСКОЙ ИЗ СТАЛИ БСТ2КП-БСТ4КП 108Х3 ММ | М | 37,148 | 81164,00 | 3015080,27 |
| 28 | 37753 | С С113-753 | ЛЮК ЧУГУННЫЙ Т 700ММ | ШТ | 9 | 271304,00 | 2441736,00 |
| 29 | 45021 | М С140-0003 | БЕТОН ТЯЖЕЛЫЙ, КЛАСС В 7,5 (М100) | М3 | 0,153 | 440000,00 | 67320,00 |
| 30 | 45050 | С | ЩЕБЕНЬ ИЗ ПРИРОДНОГО КАМНЯ ДЛЯ СТРОИТЕЛЬНЫХ РАБОТ ФРАКЦИИ 5-10 ММ | М3 | 0,02208 | 72204,00 | 1594,26 |
| 31 | 45051 | С | ЩЕБЕНЬ ИЗ ПРИРОДНОГО КАМНЯ ДЛЯ СТРОИТЕЛЬНЫХ РАБОТ ФРАКЦИИ 10-20 ММ | М3 | 0,01104 | 72204,00 | 797,13 |
| 32 | 45052 | С | ЩЕБЕНЬ ИЗ ПРИРОДНОГО КАМНЯ ДЛЯ СТРОИТЕЛЬНЫХ РАБОТ ФРАКЦИИ 20-40 ММ | М3 | 0,03576 | 65972,00 | 2359,16 |